



**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ
ТИББИЙ АСБОБ УСКУНАЛАР СОТИБ ОЛИШ
ТАНЛОВ МАЪЛУМОТЛАРИ ЖАДВАЛИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-
сон қарорига асосан 2022 йилда Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт
марказига замонавий тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар олиниши учун**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ
БҮЙИЧА
ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Буюртмачи: Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт
маркази**

Самарқанд – 2022 й.



ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТҮГРИСИДА МАЪЛУМОТ

Энг яхши таклифларни танлаш мөҳияти	Тиббий асбоб ускуналар
Лот бўлиниши	Йўқ, лот бўлинмайди
Хариднинг режа жадвали	2 чорак 2022 йил
Савдолар ўтказиладиган ой	Май - июнь
Молиялаштириш манбаи	Бюджед маблаглари
Бошлиғич нархи	1 423 959 105 (бир миллиард турт юз йигирма уч миллион туккиз юз эллик туккиз минг бир юз беш) сўм
Тўлов шартлари	Аkkreditiv ёки етказиб бергандан сўнг, agar etkazib beruvchi биринчи тоифали bank томонидан берилган бўнак тўловини қайтариш учун bank кафолатини тақдим этса, олдиндан тўлаш мумкин.
Тўлов муддати	5 иш куни
Тўлов валютаси	Ўзбек сўмида
Товар етказиб бериладиган (ишлар бажариладиган, хизматлар кўрсатиладиган) жой ва шартлар	Автомобил транспортида – Харидор омборига (Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига). Етказиб бериш сотувчи ҳисобидан бўлади.
Товар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) муддати)	30 кун (кунларда кўрсатилиди)
Танлаш иштирокчиларига кўйиладиган талаблар	Энг яхши таклифларни танлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида шу каби ўхшаш етказиб беришларни амалга оширишда иштирок этиши тақиқланмаган, уларда иштирок этиши учун кўйиладиган шартларни бажарган, рақобатга асосланган харид қилинаётган тегишли товарни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар), шунингдек хорижий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар) иштирок этишлари мумкин.
Таклифни расмийлаштириш шакли	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан
Таклифлар бериш муддати (камида 5 иш куни)	5 иш куни
Оферталарни очиш санаси ва вақти	
Масъул хизмат, боғланиладиган шахс, телефон, эл. почта	Бош ҳисобчи: Ҳайитбоев Бахтиёр Тел: +99891 534-97-10

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- | | |
|--|---|
| 1 Умумий қоидалар | 1.1 Ушбу харид қилиш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Конуни (бундан буён – Конун), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. |
| | 1.2 Бошланғич нархи харид қилиш хужжатларининг энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида маълумотида кўрсатилган. Таклифда кўрсатилган нархлар бошланғич нархидан ошмаслиги керак. |
| | 1.3 Харид килинадиган товарлар (хизматлар, ишлар) учун техник топшириқ www.etender.uzex.uz эълонида келтирилган. |
| 2 Танлаш
ташкилотчилари | 2.1 Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан буён – Танлаш) Буюртмачиси Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (бундан буён – Буюртмачи) ҳисобланади.
Буюртмачининг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси 70 уй. |
| 3 Танлаш
иштирокчилари | 3.1 Танлашда юридик шахслар, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, ушбу хужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш хужжатларининг 4.2-бандида санаб ўтилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин. |
| | 3.2 Иштирокчилар шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларга эга бўлишлари керак. |
| 4 Танлашни
ўтказиш тартиби | 4.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қонунчилик ва харид қилиш хужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт. |
| | 4.2 Кўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди:
- зарур хужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
- инсоғиз изрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган; |

		<ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 01-02/15-42-сонли ва 2020 йил 6 сентябрдаги 2020-34-сонли, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Кенгашининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7 ва 2020 йил 5 сентябрдаги 20/1-сонли, 01-02/19-22, 7/4-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июня 2467-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва 2020 йил 12 октябрда 2467-3-сон билан ўзгартириш ва қўшимча қилинган) қарорларига мувофиқ рўйхат бўйича имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор худудлар) иштирокчилар рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамлари бўлган; - харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака хужжатларини тақдим этган; - таъсисчилари бир хил шахслар бўлган. Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси бир хил танлаш лотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.
4.3		<p>Буюртмачи қуидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қиласа, берса ёки беришга розилик билдирса; - иштирокчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.
5	Танлаш тили, ўлчов бирликлари	<p>5.1</p> <p>Таклиф ва у билан боғлиқ бўлган иштирокчи ва Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча ёзишмалар ва хужжатлар, давлат тилида ва, зарурятга қараб, бошқа тилларда бўлиши керак. Таклиф унга рус ёки ўзбек тилидаги таржимаси илова қилинган ҳолда бошқа тилда бўлиши мумкин. Таклиф матнида номувофиқликлар юзага келганда, бирдан ортиқ тил ишлатилганда, ўзбек ёки рус тиллари устунлик қиласи.</p> <p>5.2</p> <p>Таклифда умумий қабул қилинган ўлчов тизими қўлланилиши керак.</p>
6	Таклиф ва уни расмийлаштириш тартиби	<p>6.1</p> <p>Махсус ахборот порталида (бундан буён – МАП) эълон қилинган танлаш шартлари бўйича таклифни электрон шаклда юборадилар.</p> <p>6.2</p> <p>Танлаш иштирокчиси:</p>

		<ul style="list-style-type: none"> - тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир; - фақат битта таклифни тақдим этишга ҳақли; - тақдим этилган таклифни бундай таклифларни тақдим этиш муддатидан олдин қайтариб олиш ёки ўзгартириш хуқуқига эга.
	6.3	Таклиф ва барча ҳужжатлар электрон шаклда www.etender.uzex.uz МАПга тақдим этилади.
	6.4	Таклиф www.etender.uzex.uz МАПда эълон қилинган пайтдан эътиборан лотнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади.
	6.5	Иштирокчиларнинг таклифлари амал қилиш муддати таклифни тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 30 кун бўлиши керак.
7	Таклиф тақдим этиш муддатини узайтириш	<p>7.1 Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига ўз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.</p> <p>7.2 Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон МАПда жойлаштирилади ва зарур ҳолларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.</p>
8	Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш	<p>8.1 Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади.</p> <p>Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.</p> <p>Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.</p>
9	Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш мезонлари	<p>9.1 Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш таклифни тақдим этиш муддати тугаганидан бошлаб ўн иш куни мобайнida Харид комиссияси томонидан амалга оширилади.</p> <p>Харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди.</p> <p>Рўйхат, шунингдек иштирокчи томонидан тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар шакллари харид қилиш ҳужжатларининг 1-иловасида кўрсатилган..</p> <p>Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақлидир.</p>

	9.5	Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш www.etender.uzex.uz эълонида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.
	9.6	Таклиф амалдаги Қонун ва харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, тўғри расмийлаштирилган деб тан олинади.
	9.7	Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги қонунда белгиланган талабларга ва харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.
	9.8	Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳақида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.
	9.9	Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари маҳсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада ҳисобланади.
	9.10	Харид қилиш хужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
	9.11	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни кўриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳукуқига эга.
	9.12	Танлаш шартлари турли валюталарда нархларни тақдим этишни назарда тутган ҳолларда, танлашда хорижий ва маҳаллий иштирокчиларнинг нархларини тўғри таққослаш, чет эл валютасидаги таклифларни тўғри баҳолаш учун, чет эл валютасида таклифни берган иштирокчи сотиладиган товар (иш, хизмат) учун олинадиган барча турдаги солиқлар, йигимлар, мажбурий тўловларнинг амалдаги ставкалари ва фоизларини тақдим этиши шарт. Иштирокчи ушбу банд бўйича тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавобгардир.
10	10.1	Танлаш ғолибини аниқлаш Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.
	10.2	Баённома рўйхатга олинган куни давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари электрон тизимида икки иш куни давомида муҳокама учун жойлаштирилади. Агар танлаш натижалари бўйича икки иш куни мобайнинда танлаш иштирокчиларидан эътиrozлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид

		<p>комиссияси томонидан ғолиб деб тан олинган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.</p> <p>Танлаш натижалари асосида иштирокчилардан эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.</p> <p>Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқilmайди.</p>
11	Томонларнинг жавобгарлиги ва маҳфийликка риоя қилиниши	<p>10.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижаси эълон қилингандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси танлаш натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўров юбориш ҳуқуқига эга.</p> <p>11.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган маҳфийликка риоя қилиниши учун ахборотни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг қолган аъзолари ва жалб этилган эксперталар билан келишишга рухсат бериш, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун таклифни ўрганиш учун ташкил этилган Комиссиянинг раиси ва аъзолари жавобгар бўладилар.</p> <p>11.2 Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (микдор ва сифат кўрсаткичларида) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.</p> <p>11.3 Танлаш иштирокчилари томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун харид комиссияси жавобгар эмас.</p>
12	Бошқа шартлар	<p>12.1 Харид комиссияси танлаш иштирокчисидан илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.</p> <p>12.2 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш ҳуқуқига эга.</p> <p>12.3 Танлаш иштирокчиси Буюртмачининг электрон почта манзилига харид қилиш ҳужжатларининг 2-иловасида келтирилган шаклдаги харид қилиш ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун Буюртмачига сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи кўрсатилган сўровни олган кундан бошлаб икки иш куни ичиди, агар кўрсатилган сўров буюртмачи томонидан белгиланган муддатдан камида уч кун олдин олинган бўлса, харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришларни тақдим этиш учун белгиланган шаклда юбориши шарт. Харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.</p> <p>12.4 Танлаш куйидаги холларда харид комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - танлашда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; - агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра,

		харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.
	12.5	Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танлашни бекор қилиш хуқуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини МАПда эълон қиласди.
13	Шартнома тузиш	<p>13.1 Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш хужжатларида ва шартнома тузиленган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.</p> <p>Шу билан бирга, харид қилиш хужжатларига илова қилинган шартнома лойиҳаси якуний эмас ва шартнома тузиленгандан кейин Буюртмачи шартнома матнига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу харид қилиш хужжатларига зид бўлмаган, қонун хужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчи билан келишилган ҳолда, ўзгартиришлар киритишга ҳақли.</p> <p>13.2 Харид комиссиясининг қарори билан танлаш ғолиби деб эълон қилинган танлаш иштирокчисига ғолиб аниқланган кундан бошлаб 5 иш куни ичida харид комиссиясининг қарори тўғрисида ёзма хабарнома юборилади. Буюртмачи ва танлов ғолиби, ғолиб эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) иш куни ичida шартнома тузишлари лозим.</p> <p>13.3 Агар танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш хуқуқи захира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, захира ижрочи танлаш ғолиби томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.</p> <p>13.4 Ғолиб томонидан шартномани кечиктириш шартномани тузишни рад этиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда, танлашнинг навбатдаги (захирадаги – баҳолаш натижаларига кўра иккинчи ўриндаги) иштирокчининг мақбул таклифи кўриб чиқилади.</p>

**Таклиф ҳужжатлари
РҮЙХАТИ**

1. Танлаш иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар (*1-шакл*).
2. Иштирочи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж мухокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи кафолат хати (*2-шакл*).
3. Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза (*3-шакл*).
4. Ўхшаш товарни (иш, хизмат) етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот (*4-шакл*).
5. Таклифнинг техник қисми (*5-шакл*).
6. Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шартлари тўғрисида маълумот (*6-шакл*).
7. Товар (хизмат) З йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаши учун кафолат бериши зарур. (Бунда: кўрасатиб ўтилган муддат давомида товарда ҳар қандай нуқсонлар ёки фаолият давомида бузилишлар аниқланса етказиб берувчи ўз ҳисобидан эҳтиёт қисмларини алмаштиради ва сервис хизматларини кўртасишига мажбур)

ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____
Сана: _____

Харид комиссияси

Танлаш иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот

1	Ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда юридик шахснинг тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар (рўйхатдан ўтказилган сана, рўйхат ўтказилган рақами, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Боғланиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятининг асосий йўналишлари	
7	Таъсисчилар (тасдиқловчи маълумотларларни илова қилиши зарур)	

(ваколатли шахснинг имзоси)

(ваколатли шахснинг *Ф.И.Ш.* ва лавозими)

М.Ў.

Сана: «____» _____ 2022 й.

ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____
Сана: _____

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан _____ компанияси:
(компания номи)

- 1) аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини;
- 2) қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- 3) буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- 4) соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини;
- 5) имтиёзли солик берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки худудларда рўйхатдан ўтмаганлиги, таъсисчиларга эга эмаслиги, банк ҳисоб рақамларига эга эмаслигини;
- 6) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаланлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____
Сана: _____

Харид комиссияси

**Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича
АРИЗА**

Ушбу хат билан _____ компанияси:
(компания номи)

- 1) 1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ти ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини олганлигини;
- 2) Ҳар қандай ҳозирги ёки аввалги мансабдор шахсга ёки Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ходимига ишга ёллаш тўғрисида ёки бирорта ҳатти-ҳаракатни амалга оширишга таъсир кўрсатиш, давлат харидлари жараёнида Буюртмачининг бирорта харид тартиб-таомилларини қўллаш ёки қарор қабул қилиш мақсадида хизмат кўрсатиш ёки тўғрисидаги таклиф, ҳар қандай шаклдаги рағбатлантирувни бевосита ёки билвосита таклиф қиласлик ва бермаслик мажбуриятини ўзига олганлигини;
- 3) Коррупцияга карши ҳаракатлар содир этмаслик мажбуриятларини ўз зиммасига олганлигига, шу жумладан аффилланганлик ҳолатлари аниқланганда;
- 4) Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган таъсисчилар ва/ёки ходимлар ўртасида яқин қариндошлик алоқаларига эга эмаслигини;
- 5) Нархларни ёки танлаш натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини;
- 6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;
- 7) сохта ёки қалбаки хужжатларни тақдим этмаслигини, ушбу лотда иштирок этган аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

ИШТИРОКЧИННИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____
Сана: _____

Харид комиссияси

Ўхшаш товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибаси тўғрисида маълумотлар

№	Товар (ишлар, хизматлар) моҳиятининг номи	Буюртмачининг номи	Етказиб бериш санаси	Изоҳ

(ваколатли шахснинг имзоси)

ваколатли шахснинг *Ф.И.Ш.* ва лавозими

Мухр ўрни

ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКИДА

ТЕХНИК ТАКЛИФ

(танлаши предмети кўрсатилади)

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

учун харид қилиш хужжатларини ва ____-сонли мурожаатларга ёзма жавобларни (*ёзма сўровлар рақамларини ва уларга жавоб мавжуд бўлса, уларга жавоблар рақамларини кўрсатиш*) ўрганиб, ушбу билан уларни олганлигимизни тасдиқлаб, биз, куйида имзоловчилар (танлаши иштирокчисининг тўлиқ номи), _____ (товарлар, ишлар ва хизматлар номини кўрсатинг) таклиф қиласмиз.

Ушбу техник таклифга тўлиқ риоя қилган ҳолда, танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича хизмат кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

Ушбу таклифнинг қоидаларига ушбу лот учун харид қилиш хужжатларининг 6.5-бандига мувофиқ риоя қилишга розилик билдирамиз. Ушбу харид таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Шу билан бирга, биз Сизга _____ варакларда биз таклиф қилаётган товар (иш, хизмат) учун техник параметрларни юборамиз*.

(ваколатли шахснинг имзоси)

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)

Мухр ўрни

*Буюртмачининг техник талаблари билан таққослаш учун техник тавсифларни тақдим этиши бўйича мажбурий талаб.

ИШТИРОКЧИННИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

**ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ, ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ
ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

(танлаш моҳияти кўрсатилади)

Сана: *(таклифларни бериши санаси ёзилади).*

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуида имзо қўйувчилар, харид қилиш ҳужжатларини умумий ўрганиб ва буюртмачиинг барча талабларини ўз ичига олган танлаш мавзуси билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилгандан сўнг, танлаш шартларига мувофиқ хизматлар кўрсатишни таклиф қиласиз (*товарлар (ишилар, хизматлар)*) номи кўрсатилади:

Тўлов шартлари _____ ;
Тўлов муддатлари _____ ;
Товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш шартлари _____ ;
Етказиб бериш муддатлари _____ ;
Кафолат шартлари _____ .

Сана: «____» ____ 2022 й.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

**Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари
қоидалари маълумоти сўров шакли**

Иштирокчи ташкилот бланкисда (агар мавжуд бўлса)

Танлашни ўтказиш бўйича
харид комиссияси

Сайтга [www.etender.uzex.uz ёки расмий сайт] жойлаштирилган, харид қилиш ҳужжатига аниқлик киритилишини сўраймиз [товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, бюджет буюртмачилари учун хизмат кўрсатиш]:

№ т/р	Харид қилиш ҳужжатлари бўлими	Харид қилиш ҳужжатига аниқлик киритиш керак бўлган банд	Харид қилиш ҳужжатига аниқлик киритиш учун сўров мазмуни
1	2	3	4

Ушбу сўров бўйича маълумотларни кўрсатилган манзилга юборинг
[почта адреси, электрон почта манзили, факс рақами]

[санаси, ой, йил]

[Сўровга имзо қўйган масъул шахснинг исми] [имзо]
[И. Ш. О.]

М.Ў.

ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКИДА

7. Товар (хизмат) З йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаши учун кафолат бериши зарур. (Бунда: кўрасатиб ўтилган муддат давомида товарда ҳар қандай нуқсонлар ёки фаолият давомида бузилишлар аниқланса етказиб берувчи ўз хисобидан эҳтиёт қисмларини алмаштиради ва сервис хизматларини кўртасишига мажбур)

(танлаш моҳияти кўрсатилади)

Сана: *(таклифларни берииш санаси ёзилади).*

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуйида имзо қўйувчилар, харид қилиш ҳужжатларини умумий ўрганиб ва буюртмачиинг барча талабларини ўз ичига олган танлаш мавзуси билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилгандан сўнг, танлаш шартларига мувофиқ хизматлар кўрсатишни таклиф қиласиз (*товарлар (ишилар, хизматлар)*) номи кўрсатилади:

Кафолат шартлари _____.

Сана: «____» ____ 2022 й.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни